

ҲАФСА БИНТ СИРИН - ҲАДИС ОЛАМИНИНГ ЁРҚИН ЙОЛДУЗИ

Мулласодиқова Нигора Миромоновна

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси «Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар»
кафедраси доцент в.б., PhD nigoramullasodiqova@gmail.com*

Аёлнинг илмли бўлишига барча даврларда алоҳида эътибор қаратилган. Қадимги Мисрда аёлнинг мақоми эркакларнинг мақомидан олийроқ бўлган. Бунга мисрликларнинг аёлларни энг муқаддас ва энг буюк зот деб билганлари сабаб бўлган.

Қадимги мисрликлар аёлларни юксак маърифат эгалари бўлгани учун оиласарни, жамиятни, давлатни бошқаргани, бир инсонга ҳаёт беришга фақат аёл киши қодир бўлгани, ўша ҳаёт бахшида қилган боласини ўқимишли қилиш, ҳаёт дарсини ўргатиш, жисмонан ва маънан кучли қилиб тарбиялаш фақат аёл кишининг қўлидан келгани учун уни буюк деб баҳолашга, алоҳида иззат-икром кўрсатиб, “аёл – ҳаётнинг ибтидоси, инсонга ҳаёт бахш этувчи, ҳаётни, яшашни ўргатувчи зот, ҳар нарсанинг боши” деб баҳо берганлар. Қадимги мисрлик эркаклар илмда, куч-куватда, руҳан ва маънан етукликка эришиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлганда ўзининг эришган мақомидан келиб чиқиб аёл каби кучли бўлиш босқичига етганини билдириш мақсадида аёллардек узун сочли парик кийган. Эркак ва аёл тимсолида эса аёл эркакни ушлаб туриши уни ҳар доим ҳимоялаб, қўллаб-куватлашини ифодалаганини кўриш мумкин. Бу тарих бугунги кунда халқ орасида қўп учрайдиган “ҳар қандай омадли эркакнинг ортида уни қўллаб турувчи кучли аёл туради” деган гап аслида мисрликлар томонидан айтилганини кўрсатади.

Исломда ҳам аёлларнинг илм олишига алоҳида эътибор қаратилган. Умуман илм олишга ундовчи “илм исташ ҳар бир мусулмонга фарздир”, мусулмон одам илмни қаерда топса, ўша жойда олиши зарурлигини аниқ кўрсатиб берадиган машҳур ҳадислар ҳам бор. Аёлларнинг маърифатли бўлиши етук авлодни тарбиялаш учун зарур шартлардан бири деб қаралади. Муовия билан Абу Толиб ўртасидаги муаммоли вазиятларда халқ орасидан чиққан аёллар ҳам ўз таъсирини ўтказгани ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу аёллар асосан ёши улуғ, илмли, гапга чечан бўлишган. Баъзилари қавм манфаати учун курашган бўлса, бошқалари ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилишга уқуви етарли бўлган. Шу ва бошқа ўз ҳаётини илм ўрганиш ва ўргатишга бағишилаган кўплаб аёллар ҳақида ислом тарихида жуда кўп маълумотлар топиш мумкин. Бундай аёллардан бири Ҳафса бинт Сириндир. У илм оламида “умму Ҳузайл” куняси билан танилган.

Ҳафса бинт Сириннинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар кўпчилик аёл-қизларнинг илм олишларида янада шижаотли бўлишлари учун ўrnak бўлади ва у каби аёллар ҳаётлари ҳақида янада кўпроқ маълумотларга эга бўладилар.

Хафса бинт Сирин 651 йил халифа Умар (р.а.) бошқаруви даврида яшаган. Унинг отаси Сирин Ироқ чўлларида асир олинган ва Холид бин Валидга қул қилиб сотиб юборилган. У эса кейинроқ саҳоба Анас ибн Моликка сотиб юборган. Сирин Анас ибн Молик хизматида бўлган даврда ислом дини бўйича чуқур билимга эга бўлади. Орадан вақт ўтиб ўзини ва оиласини қулликдан келишилган маблағ әвазига озод қиласди. Онаси Сафия исломдан олдинги даврда Абу Бакр хонадонида қул бўлган, ота-онаси ким бўлганини ҳам билмаган. Маккада ислом дини тарқала бошлаган вақтда қулликдан озод қилинган ва Абу Бакрнинг энг истеъдодли шогирдларидан бирига айланган, яъни Хафсанинг онаси Сафиянинг устози Абу Бакр Сиддиқ бўлган. Абу Бакр вафотидан кейин Сафия Оиша (р.а.) қўлида илм олишда давом этган. Сафия ўз даврининг энг кўзга кўринган аёл олимларидан бири сифатида шуҳрат қозонган. Илмда шу қадар ҳурматга сазовор бўлганки, унинг вафотидан сўнг Ибн Касир жаноза маросимини “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жанозаларидан сўнг буюк инсонлар қатнашган бундай жаноза бошқа бўлмади”, деб таърифлаган. Сафия жуда тақводор ва илмли аёл бўлган, билимларини фарзандларига ўргатиб, уларни ҳам етук мутаҳассис бўлишларида улкан ҳисса қўшди.

Сирин ва Сафиянинг фарзандларидан Мұхаммад бин Сирин ва Хафса бинт Сирин ҳадисшунослик оламида машҳур олимлардан ҳисобланади. Мұхаммад бин Сирин етук ҳадисшунос, фақиҳ олим ва туш таъбир қилган. Синглиси Ҳафса ҳам акасидек ҳадисшунос, етук фикҳшунос олима ва қироат илмида “хафс қироати” номи соҳибаси бўлган. У 10 ёшида Қуръонни тўлиқ ёддан билган, 12 ёшида эса Қуръоннинг барча қироат турларини мукаммал ўзлаштириб олган. Ҳадис илмидан шу қадар билимдон бўлиб етишганки, ҳатто акалари ҳам унга шогирд бўлишган. У Басрада яшаб, талабаларга, жумладан, эркаклар ва аёлларга ҳам дарс берган. У ислом анъаналарининг амалий ва ҳуқуқий жиҳатларини чуқур билиши билан машҳур бўлган. Ибн Ҳишом Ҳафсанинг акаси Мұхаммад ибн Сиринга Қуръон ўқилишига оид бир қанча қийин ва ноаниқ савол берилганда, у жавоб беришга қийналиб қолиб “Ҳафсанинг олдига бориб, ундан қандай ўқилиши кераклигини сўрай қолинглар”, деб жавоб бергани ва жавоб бериш учун синглисига йўналтиргани зикр қилган.

Ҳафса бинт Сирин машҳур муҳаддис ва фақиҳа олима бўлган. У отасини озод қилган Анас ибн Моликдан кўп ҳадислар ўрганган. Унинг исми олтита машҳур ҳадис тўпламида ҳам тилга олинган.

Ҳафса бинт Сирин ҳаёти исломда эркак ҳам, аёл ҳам илм олиши, олим бўлиши мумкинлигини эслатиб туради. Шу билан бирга, илм олиш бирор даврда аёл киши учун чекланмагани, ҳатто қул бўлган аёллар ҳам илм олиб, саводини чиқарибина қолмаган, балки ислом тарихида ўз ўрнига эга бўладиган даражада маърифатли бўлгани, улар нафақат илм олгани, балки ўрганган илмларини амалда қўллагани, шу билан бирга ўқитувчилик ҳам қилганини кўришимиз мумкин. Мана шу

жиҳатлар ҳар биримизни руҳлантириб, илм олишга рағбатимизни янада оширишга хизмат қилади деган умиддамиз.